

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОДИРОВ НОДИРБЕК МАМАСОЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Кодиров Нодирбек Мамасолиевич

Ўзбекистон ёшларида ахборот маданиятини шакллантиришнинг

ижтимоий-фалсафий таҳлили3

Кодиров Нодирбек Мамасолиевич

Социально-философский анализ формирования информационной культуры

у молодежи Узбекистана.....23

Kodirov Nodirbek Mamasoliyevich

Socio-philosophical analysis of the formation of information consuming culture

of the youth of Uzbekistan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОДИРОВ НОДИРБЕК МАМАСОЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1PhD/Fal168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юлдашев Махамадилхом Мамаюнусович фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кушаев Умиджон Рахимович фалсафа фанлари доктори, доцент Хажиева Мақсуда Султановна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-13-87; факс: (99866) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети 1 қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-13-87); факс: (99866) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори(DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобал маънавий-маданий инқирозларнинг асосида ахборот хуружи бош омилга айланмоқда ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиб ижтимоий-сиёсий жараёнларни янада кескинлаштирмоқда. Зеро, ахборот – дунё саҳнидаги тарихий рақобат кечадиган соҳага айланиб, “ахборот уруши” деб номланаётган фаол кураш шакли пайдо бўлмоқдаки, бу курашни фақат кишиларда ахборот маданиятини шакллантириш орқалигина енгиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, аҳолида хусусан, ёшларда ахборот маданиятини юксалтиришнинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш усул-воситаларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида бугунги кунда етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари томонидан ахборот маданияти феноменини ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон берадиган муҳим назарий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълимни ахборотлаштириш ва медиатаълим технологияларини кенг жорий этишда ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари, зарарли ахборотларнинг инсон саломатлиги ва маънавиятига таъсири, ахборот уруши, ахборот терроризми, ахборот қуроли, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари, ахборотлашган жамиятнинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий-сиёсий йўналишларини янада ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқотлар бугунги кунда эътиборга лойиқдир. Шу билан бирга, замонавий ахборот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-маданий ва социотехник хусусиятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳатлар шуни кўрсатадики, ижтимоий ўзгаришларга зарурий мослашишни таъминлайдиган ва ахборот муҳитида муносиб ўринни кафолатлайдиган тафаккур тарзига эга бўлган ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда”¹. Шу боис, бугунги кунда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, айниқса уларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилаётган ахборот хуружларидан самарали ҳимоялашнинг концептуал асосларини, усул-воситалари ҳамда механизмларини илмий-назарий тадқиқ қилиш объектив аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж 1.- Т.: Ўзбекистон, 2017.- Б.504-505.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 8 февралдаги ПФ-3678-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ва 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот маданияти билан боғлиқ тушунчаларни таҳлил қилиш зарурияти ҳар қачонгиданда кенгайиб бормоқда. Ғарб назариётчиларидан Э.Гидденс таъкидлайдики, “Глобаллашув натижасида жаҳонда ахборот тайёрлаш, тарқатиш, қабул қилиш, фойдаланишнинг янги тартиби шаклланди”¹. Юқоридаги муаллиф томонидан илгари сурилган муаммонинг асосий жиҳатлари хорижлик олимлардан Bernard Holkner, Geoff Romeo, Brown, Milligan, Tay Vaughanларнинг тадқиқот ишларида ифодаланиб, улар таълимни ахборотлаштириш ва медиатаълим технологияларини кенг жорий этишда ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатларини тадқиқ қилишган. Ҳозирда ахборот хавфсизлиги ва маданиятига оид илмий тадқиқотлар Россия Федерацияси (Москва давлат университети), АҚШ (АҚШ ички хавфсизлик вазирлигининг Киберхавфсизлик ва коммуникация бошқармаси), Буюк Британия (Бирлашган Қиролликнинг Миллий киберхавфсизлик маркази)да олиб борилмоқда.

МДҲ олимлари Г.А.Атаманов, О.М.Манжуева, М.Ю.Захаров, Е.Е.Перчук, О.И.Немкина, Ю.А.Каптюг, О.М.Цыденова, А.В.Поликарпов, В.Ф.Ницевич² ва бошқалар томонидан зарарли ахборотларнинг инсон

¹ Гидденс Э. Социология. Москва, УРСС, 1999, стр.1012.

² Атаманов Г.А. Информационная безопасность в современном российском обществе: Социально-философский аспект. Автореферат диссертация кандидата философских наук. – Волгоград, 2006. – С.24.; Манжуева О.М. Феномен информационной безопасности: сущность и особенности. Автореферат диссертация доктора философских наук. – Улан-Удэ: 2015. –С-44.; Захаров М.Ю. Информационная безопасность социума: Социально-философское исследование. Диссертация доктора философских наук. – Ростов-на-Дону:1998. – С.258.; Перчук Е.Е. Информатизация и информационная безопасность: философско-методологические аспекты. Диссертация кандидата философских наук. – Москва:2002. – С.159.; Немкина О.И. Глобализация виртуальной реальности и информационная безопасность. Диссертация кандидата философских наук. – Саранск. 2011. –С.196.; Каптюг Ю.А. Проблема информационной безопасности: философских и квантово-физический аспекты. Автореферат диссертация кандидата философских наук. – Москва. 2009. –СМ.16.; Цыденова О.М. Философско-этические основания информационной безопасности. Диссертация кандидата философских наук. – Улан-Удэ. 2005. –С.145.; Поликарпов А.В. Социально-

саломатлиги ва маънавиятига таъсири, ахборот уруши, ахборот терроризми, ахборот куроли, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари, виртуал олам ва инсон турмуш тарзининг ўзаро алоқадорлигига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида ахборотлашган жамият ва унинг асосий категориялари ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, фуқароларда ахборот маданиятини юксалтиришнинг устувор йўналишлари тавсифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, замонавий жамиятни ахборотлаштиришнинг стратегик хусусиятлари, замонавий жамиятда ахборот маданиятининг шаклланиши, ишлаш механизмлари ва замонавий жамиятда ахборот маданиятининг маънавий ва амалий ривожланишининг шахсий хусусиятларини аниқлаш, ахборот маданиятини шакллантиришнинг энг муҳим асоси сифатида ахборот соҳасидаги таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни информацион хуружлар таъсиридан ҳимоялашда маънавий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш каби масалалар У.Қўшаев, М.Қуронов, М.Қирғизбоев, Т.Алимардонов, А.Мухтаров, А.Ўтамуродов, Ф.Равшанов каби олимлар томонидан атрофлича таҳлил қилинган¹.

Ҳозирги даврда ахборотлашган жамиятни мазмун-моҳияти ва ижтимоий-сиёсий йўналишларини янада ривожлантириш, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялар, оммавий ахборот воситалари ва ахборот маданияти ривожланишидаги энг муҳим тенденцияларнинг инсонпарварлик моҳияти Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, О.Абдуллажанов, О.Раҳматов, Ж.Нажмиддинов, М.Бекмуродов, А.Мўминов, Р.Самаров, У.Саидов, И.Саифназаров, Н.Сафарова, Ш.Қаҳҳорова каби олимлар томонидан очиб берилган.² Мазкур тадқиқий-таҳлил натижаларидан диссертациянинг фарқ қиладиган муҳим жиҳати шундан иборатки, унда Ўзбекистон ёшларида ахборот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари кўриб чиқилган ҳамда таҳлил қилинган.

философские аспекты проблемы информационной безопасности России. Диссертация кандидата философских наук. – Таганрог. 2000. – С. 121.; Ницевич В.Ф. Информационное обеспечение национальной безопасности России. Диссертация кандидата философских наук. – Москва: 1996. – С. 197.

¹ Қўшаев У. Ахборот истеъмоли маданияти. – Тошкент: “Extremum-press” нашриёти, 2013. – 44 б.; Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 48 б.; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 11 б.; Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. – Тошкент: Нишон-нашр, 2015. – 127 б.; Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 127 б.; Равшанов Ф. Маънавий тараққиётга таҳдидлар. – Тошкент: Мухаррир, 1998. – 190 б.

² Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Тошкент: Академия, 2007. – 125 б.; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Тошкент: Академия, 2001. – 319 б.; Абдуллажанов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Тошкент: Академия, 2000. – 196 б.; Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000. – 26 б.; Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008; Бекмуродов М. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. Ўқув-услубий семинарлар тўплами. – Тошкент: 2012; Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2013; Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Тошкент: Akademiya, 2010. – 256 б.; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Akademiya, 2008. – 124 б.; Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 26 б.; Сафарова Н. Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: Фан, 2006. – 196 б.; Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – 670 б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ЁА2-ОТ-0-14679 ЁА2-15 рақамли “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари (2014-2015)” мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда ахборот маданияти генезисининг ретроспектив асослари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, улар ўртасидаги ворислик муносабатларини аниқлаш ҳамда глобаллашув шароитида уларни оптималлаштиришга доир назарий хулосалар, амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшларда ахборот маданияти глобаллашувининг ижтимоий-фалсафий масалаларини комплекс-системали таҳлил қилиб, унинг ғоявий-назарий асослари, методологик тамойиллари, парадигмалари ва категориал аппарати ва тушунчалари тизимини аниқлаштириш;

ёшларда ахборот маданияти тарихий типларини белгиловчи мезонларни, омилларни туркумлаштириш тамойилларини аниқлаб, уларнинг ривожланишида маънавий-маданий меросига ворислик муносабатлари ролини кучайтириш усуллари ва воситаларини кўрсатиш;

глобал ахборот маданиятини ҳаракатлантирувчи мотивлар ва уни бошқаришнинг сиёсий механизмларини такомиллаштириш, натижаларини трансформация қилиш коммуникацияси ва инфраструктураси тизимини ривожлантириш муаммоларини таҳлил қилиш;

ёшларнинг глобал ахборот муҳитига мослашиши “оммавий маданият” босимига иммунитетини шакллантириб, унинг маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ҳодисаларини комплекс-системали таҳлил қилиб амалий таклиф-тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ёшларида ахборот маданиятини шакллантириш парадигмалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон ёшларида ахборот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий аспекти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, кузатув, сўров каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобализация ва рационал тараққиёт билан боғлиқ моддий-техник асослар, инновацион технологиялар инфраструктураси каби объектив шарт-шароитлар ҳамда дин, фан, оммавий ахборот воситалари сингари субъектив омиллар ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг барқарорлаштирувчи, назорат қилувчи ҳамда тартибга солувчи функционал асослари эканлиги фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ахборотга оид билимларни

трансформациялашнинг техник воситалари (мультимедиа воситалари, интернет тармоқлари, мобиль алоқа тизимлари, сунъий интелект) педагогик-дидактик технологияси (анъанавий ва замонавий кадриятлар интеграциясининг конструктив усуллари, рационал воситалари), тарғибот-ташвиқот коммуникацияси (ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, ҳуқуқий-сиёсий тарғибот) ва инфраструктурасини такомиллаштириш бирламчи асосга эга эканлиги исботланган;

ахборот маданияти шаклланишининг тарихий генезиси, глобаллашув хусусиятлари динамик ўсувчи ва ўзгарувчи янги мезонлар асосида даврлаштирилиб (аграр, индустриал, постиндустриал), унинг муқобил илмий-назарий таълимотлари тизими ҳамда ғоявий-мафқуравий йўналишлари такомиллаштирилган;

глобаллашув шароитида шахс маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашув ва конформизм ҳодисаларини олдини олишда ҳар бир кишида миллий-маънавий кадриятларга асосланган ахборот маданиятини шакллантириш зарурлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистонда ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш муҳим амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш жараёнининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари, мазмуни, шакли, усул ва методлари белгилаб берилган ҳамда мавзуга доир амалий тадбирларни йўлга қўйишда қўл келган;

ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришга йўналтирилган амалий таклиф ва тавсиялар ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, аҳолини ахборотнинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш иммунитетини шакллантириш ва унинг ижобий натижаларига нисбатан нигилистик-конформистик кайфиятни бартараф қилишда, соҳага оид кейинги илмий тадқиқотларда, шунингдек “Ижтимоий фалсафа”, “Глобалистика”, “Маданиятшунослик”, “Маънавиятшунослик” ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг илмий методологиясини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илгари сурилган ғоялар, келтирилган маълумотлар, қилинган хулосалар ва амалий таклиф-тавсиялардан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтиладиган ижтимоий-гуманитар фанларнинг дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ахборот маданияти шаклланишини детерминлаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг жамият тараққиётидаги ўзига хос роли, ўрни ва функционал аҳамиятига доир илмий асосланган таклиф-тавсияларидан ЁА2-ОТ-0-14679 ЁА2-15 рақамли “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари (2014-2015 йй)” мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 89-03-1930-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув ходимларида ахборот маданиятини ривожлантириш ва ёш бошқарув кадрлар маънавий потенциалини такомиллаштиришга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ахборот маданиятининг шаклланиш генезиси, тарихий ривожланиш босқичлари, глобаллашув хусусиятлари динамик ўсувчи ва ўзгарувчи янги мезонлар асосида даврлаштирилиб, муқобил илмий-назарий таълимотлари тизими ҳамда ғоявий-мафкуравий йўналишлари такомиллаштирилганлигига оид илмий-назарий таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-444-сон “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси (Асосий тушунчалар), 5-моддаси (Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари), 11-моддаси (Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари), 17-моддаси (Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи)ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари Қўмитасининг 2020 йил 7 февралдаги 05/02-0513-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш ва юксалтириш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга ҳуқуқий ва методологик асос бўлиб хизмат қилган;

ахборот маданияти натижалари трансформациясининг техник воситалари, педагогик-дидактик технологияси, тарғибот-ташвиқот коммуникацияси ва инфраструктурасини ривожлантириш усуллари, воситаларини такомиллаштиришга доир методологик тавсиялари ва амалий таклифларидан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг 2019 йил 24 декабрь куни тасдиқланган “Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси” Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг 2020 йил 3 июндаги 01-148-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш ва ёшларда ахборот истеъмоли

маданиятини ривожлантиришга қаратилган тарғибот ишларини самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ахборот маданияти глобаллашуви шароитида, унинг шахс маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ва конформизм ҳодисасининг намоён бўлиш шакллари, йўналишлари конкретлаштирилиб, ривожланиш тенденцияларига оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг “Digital Generation Uzbekistan” (Рақамли авлод) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 3 июндаги 04-13/1693-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз ёшларида прагматик тафаккур ва ахборот маданиятини шакллантиришнинг илмий асосланган мезонлари, ностандарт қарор қабул қилиш, мустаҳкам фуқаролик позицияси фазилатларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика аҳамиятига эга бўлган илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва тадқиқоти зарурати, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти асосланган.

“Глобаллашув шароитида ахборот маданияти трансформациясига оид қарашларнинг назарий фалсафий - методологик масалалари” деб номланган биринчи бобнинг “Ёшларда ахборот медиа маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари ва ғоявий-назарий асослари” номли биринчи параграфидида жамият тараққиётининг ҳозиргача бўлган босқичларида шаклланган ва ривожланган медиа ахборот маданияти инсоният томонидан яратилган маданиятнинг системалашган шакли сифатида, ўзидан олдинги босқичларни ижодий ривожлантириш натижаси бўлиб, цивилизациялар даражасига мос келганлиги ҳақида сўз кетган.

Бобда унинг характери ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари ҳолатига ахборот маданияти ривожланиш даражасига адекват бўлиб, умуминсоният моддий ва маънавий эҳтиёжларига, мақсадларига, манфаатларига, идеалларига, истисносиз мос келиши асосланган. Шу жумладан, инсоннинг ахборот маданиятининг тарихий меросига ворислиги, уни ривожлантиришнинг зарурий шарти ва императив асоси бўлиб, уларни факториал ва комплекс-системали таҳлил қилиш моҳиятини, мазмунини конкретлаштириши кўрсатилган.

Ахборот маданияти тарихига оид муқобил фалсафий таълимотлар мазмунидаги умумийлик, уларни яратиш, ривожлантириш, трансформация қилишда инсон омилининг индивидуал-хусусий детерминлаштирувчи ролини эътироф қилиши билан характерланади. Уларнинг фарқи эса шу детерминаллаштирувчи асосий омил моҳиятини ва функциясини мутлақлаштиришда намоён бўлади.

Мазкур бобда ахборот маданиятини ривожлантириш ва жамиятга таъсир самарадорлигини ошириш, *бир томондан*, унинг тараққиётини ҳаракатлантирувчи механизми, *иккинчи томондан* эса, ривожланиш даражаси кўрсаткичи, мезони ҳисобланиши ва уларни комплекс-системали таҳлил қилиш, истиқболни прогнозлаштириш ва моделлаштиришнинг стратегик вазифаларини белгилашга хизмат қилиши асосланган.

Бобнинг **“Ахборот маданият глобаллашув тарихини даврлаштириш тамойиллари”** деган иккинчи параграфида, инсоннинг ахборот яратиш, фойдаланиш ва трансформация қилиш, технологик салоҳияти жамият тараққиёти контекстида таҳлил қилиниб, уларнинг ўзаро корреляцион алоқадорлиги исботланган.

Ушбу параграфда ҳар қандай жамият тараққиёти, *биринчидан*, инсоннинг ахборотни ўзлаштириш потенциал имкониятлари ривожланиш характерига, *иккинчидан*, ахборот маданияти ривожланишида “инсон – жамият – техника – технология” тизими элементларининг ўзаро функционал муносабатларига, *учинчидан*, ахборотнинг адекват манбаларини аниқлаш, танлаш тизимини ривожлантиришга, *тўртинчидан*, жамиятнинг ахборот маданиятидан фойдаланиш интеллектуал салоҳияти потенциалига, *бешинчидан*, ахборотларнинг умуминсоният манфаатларига ва цивилизацияси мақсадларига мувофиқлигига боғлиқлиги очиб берилган.

Ахборот маданият тарихини даврлаштириш, умуман миллий ва минтақавий даражаларда, уларнинг интеграциялашув ва глобаллашув муаммоларига дифференциал ёндашиб, ҳал қилишда конструктив усулларини, рационал воситаларини топишни тақозо қилади. Хусусан, ахборот маданияти глобаллашуви, ижтимоий муносабатлар характерини, инсон интеллектуал салоҳиятини, ижтимоий онг шакллариининг ахборот маданиятини трансформация қилишда инновацион технологияларидан фойдаланишга мутасадди институтлар структурасини ва фаолиятини ташкилий интеграциялаштиришга боғлиқ бўлиши назарий асосланган.

Ушбу бобда қуйидаги умумлаштирувчи хулосаларга келинди:

биринчидан, ахборот маданиятининг вужудга келиш генезиси, тарихий-ретроспектив асослари ва ривожланиш босқичлари ўртасидаги тарихий ворислик муносабатларини ижодий ривожлантириш, жамият ижтимоий муносабатлари характерига мос келган ва уларни намоён қилган;

иккинчидан, ахборот маданиятининг стихияли, примитив характери, кундалик онг даражасидаги моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган анъанавий ижтимоий-иқтисодий муносабатлар характерига мос антропоген ахборот маданияти технологиясини вужудга келтирган;

учинчидан, ахборот маданияти мақоми ва функционал аҳамиятини турли фанлар тарихини ахборот медиа маданияти контекстида комплекс-системали ва факториал ўрганиш, конкрет билим соҳалари шаклланишига, уларнинг интеграциялашуви ва “кооперациялашувига” олиб келади;

тўртинчидан, ҳозирги даврда ахборот маданиятининг турли фанларни интеграциялаштирувчи функцияси ижтимоий-сиёсий, ғоявий-назарий ва ташкилий-техник асослари ривожланишини детерминлаштирувчи омиллар, мотивлар ва механизмлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

бешинчидан, ахборот медиа маданиятининг тарихий ривожланиш босқичларини туркумлаштиришга тизимли муқобил фалсафий ёндашувлар, жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатларини цивилизациялашган баҳолашнинг объективлигини ва адекватлигини таъминлаган;

олтинчидан, ахборот маданияти интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнларининг миллий, ҳудудий хусусиятларини, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-назарий ва ташкилий асосларини комплекс-системали таҳлил қилиш конкрет фанлар контекстида дифференциал ёндашувни истисно қилмайди;

еттинчидан, жамият ривожланиш тенденцияси ва истиқболларини белгилайдиган ахборот маданиятининг маҳаллий, миллий, минтақавий индивидуал хусусиятлари жамият ижтимоий ҳаёти соҳалари тараққиётида субъектив омил устуворлашувининг қонуният мақомини мустаҳкамламоқда;

саккизинчидан, ахборот маданияти глобал трансформацияси миллий ахборот маданияти шакллариининг горизонтал ва вертикал интеграцияси натижаси бўлиб, уларнинг ривожланиш тенденцияси турли давлатларнинг халқаро муносабатларда мавқеини, мақомини белгилайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг объектив асослари ва субъектив омиллари**” деб номланган. Бобнинг “Ёшларда ахборот маданиятини ҳаракатлантирувчи мотивлар ва механизмлар”га бағишланган параграфида ахборот маданиятини мураккаб ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида, ҳаракатлантирувчи мотив ҳамда механизмларнинг функционал алоқадорликлари жамият ижтимоий муносабатлари тизими характерига, натижалари ва истиқболларига бевосита ва билвосита таъсир қилиш имкониятлари, қонуниятлари таҳлил қилинган.

Дарҳақиқат, инсоният ахборот маданиятининг ҳар қандай шакли стихияли, тасодифан вужудга келган эмас. Аксинча, *бир томондан*, ўзидан олдинги аждодларнинг ахборот маданиятига оид тарихий меросига ворислик муносабатларини ижодий ривожлантириш, тажрибаларини умумлаштириш, миллий ва умуминсоний маънавий-маданий қадриятларни уйғунлаштириш

натижаси ҳисобланади. *Иккинчи томондан*, ахборот маданиятини интеграциялаштирувчи ва глобаллаштирувчи мотивлар, механизмлар тизими инсоният тарихи тадрижий ривожланишининг диалектик давоми ва конкрет босқичи сифатида баҳоланиши керак.

Диссертацияда ахборот маданияти ривожланишининг ижтимоий мотивлари ва сиёсий ҳаракатлантирувчи механизмлари самарадорлигини оширишнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари бирлиги кўрсатилган. Хусусан:

биринчидан, ахборот маданиятини ривожлантиришга мутасадди давлат муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ташкилотларнинг мотив ва механизмларидан фойдаланиш усул ва воситалари конструктивлиги ҳамда рационаллиги;

иккинчидан, ахборот маданиятини ривожлантириш сиёсий механизмларининг демократик-гуманистик характерига, давлатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялаштирувчи *сиёсий институционал тизими ва конституцион қонуний-ҳуқуқий асослари*;

учинчидан, ахборот маданиятини ривожлантиришнинг моддий-техник асосларини, инновацион технологиялари ва инфраструктурасини такомиллаштириш муаммоларни ҳал қилишда *интеллектуал ташкилий-институционал асосларини шакллантириш*;

тўртинчидан, давлатлар ва миллатларнинг глобал ахборот маданияти интеграциялашуви учун зарур ижтимоий, сиёсий, психологик муҳитни ва адаптацион потенциални шакллантиришга мутасадди *институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш, технологиясини ривожлантириш*;

бешинчидан, жамият ахборот маданиятини ривожлантиришда: ОАВ – “тўртинчи ҳокимият”, жамоатчилик фикри – “бешинчи ҳокимият” ва “халқ дипломатияси” имкониятларидан: *ихтиёрийлик, эркинлик ва демократик тамойилларидан фойдаланишга* боғлиқлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Ахборот маданияти глобаллашувида миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлашуви**” деб номланган параграфи ахборот маданиятида миллий ва умуминсоний кадриятлар интеграцияси бир маромда силлиқ кечадиган жараён эмаслиги асосланган. Бу жараёнда фалсафанинг *диалектик, синергетик, метафизик, феноменологик, герменевтик* ва бошқа таълимотларининг муқобил назариялари қиёсий таҳлил қилиниб, нисбатан умумлашган ва универсал қарашларни шакллантиришга ҳаракат қилинган, яъни:

биринчидан, ахборот маданиятининг структуравий-функционал ўзгаришлари, уларнинг (йўналишлари, характери, аҳамияти, истиқбол натижаларидан қатъий назар) бир-бирига боғлиқлиги – нисбий, шартли ва индивидуал характерга эгалиги асосланган;

иккинчидан, ахборот маданияти глобаллашуви шу соҳада миллий ва умуминсоний кадриятлар тарғибот ва ташвиқотига, таълим ва тарбиясига мутасадди институтлар педагогик-дидактик фаолиятини уйғунлаштиришни, комплекс-системалигини таъминлаши аҳамияти кўрсатилган;

учинчидан, инсоният тарихий ривожланишининг муайян босқичда ахборотлашган жамият вужудга келиши миллий ва умуминсоний ахборот маданияти қадриятлари индивидуал ривожланиши, миллат менталитетини идентификациялаштирувчи муҳим субъектив омиллиги аниқланган;

тўртинчидан, глобаллашувнинг ахборот маданияти ривожланишига салбий таъсири эскалацияси сабабларини ва оқибатларини миллий этноэгоистик, этноэгоцентристик утилитар-меркантил манфаатларни мутлақлаштиришдан қидириш кераклиги исботланган;

бешинчидан, ахборот маданиятининг ижтимоий муносабатлар ва онг шаклларига таъсир потенциалини аниқлаш, истикболини моделлаштириш ва прогнозлаштиришнинг назарий-методологик асосини ташкил қилиб, миллий ва умуминсоний ахборот маданиятини уйғунлаштиришни мақсадга мувофиқ йўналтириш, бошқариш зарурияти асосланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида таҳлилга тортилган муаммолар умумлаштирилиб, қуйидаги назарий-мантқиқий хулосалар чиқарилган:

биринчидан, глобал ахборот маданияти ривожланиш мотивлари ва механизмларининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари бирлиги, муайян конкрет тарихий давр хусусиятларини намоён қилади ҳамда унинг интеграторлик функцияси юзага чиқади: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий муносабатларни, цивилизация типлари ва шакллари ривожлантиришда детерминлаштирувчи роль ўйнайди;

иккинчидан, ҳар қандай давлатда миллий ахборот маданиятининг барқарор тараққиёти ва трансформацияси натижалари унинг техник-технологик имкониятларига, интеллектуал салоҳияти потенциалига, усуллари рационалигига, воситалари конструктивлигига, жараёни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш институтларининг демократик характерига мос бўлади;

учинчидан, давлатларнинг, умуман, халқаро муносабатларга, хусусан, ахборот маданияти интеграциялашувига заруратнинг ошиши, ахборотлашган жамият ривожланишининг қонунияти ҳисобланиб, глобал маданий ахборотга эҳтиёж, унинг асосий ҳаракатлантирувчи мотиви сифатида, дунё цивилизацияси парадигмалари стандартларини ижодий ривожлантиради ва унинг трансформацияси глобаллашувига олиб келади;

тўртинчидан, ахборот маданиятининг: маҳаллий, миллий, худудий, минтақавий ривожланишидаги индивидуаллиги ва нисбий мустақиллигини билиш жараёнига дифференциялашган муносабат, уларнинг глобал қадриятлари шаклланиши ва ўзаро уйғунлашувининг объектив қонуният мақомини ва функционал аҳамиятини, миллатларнинг умумий тарихини муштараклашган ва конкретлашган тарзда намоён қилади;

бешинчидан, жамиятда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий ва бошқа соҳаларда ахборот айрибошлаш маданиятининг барқарор тараққиёти истикболлари: миллий ва умуминсоний, маънавий-маданий қадриятлар уйғунлашувига, ижтимоий муносабатлар глобаллашuvi даражаларига, толерантлик хусусиятларига, демократик мазмуни ривожланиш босқичлари характерига адекват бўлади;

олтинчидан, инсониятнинг замонавий ва анъанавий, миллий ва умуминсоний-маданий қадриятлари уйғунлашувига: диалектик, синергетик, герменевтик ва бошқа фалсафий билиш методологияси нуқтаи назаридан ёндашувнинг нисбий ва субъектив характери, миллий ахборот маданиятини ривожлантириш ҳақида нисбатан мукаммал назарий билимларни бериши, жамият аъзоларининг мақсади, эҳтиёжи ва манфаатлари индивидуаллигини баҳолаш мезонлари тизимига эга;

еттинчидан, ахборот маданиятини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари бирлигини таъминлашдан иборат бўлган *ахборот назарияси* фани объекти ва предметини билишга доир назарий асослар, методологик таълимотлар, праксиологик хулосалар умумийлиги ва универсаллиги, турли фанларнинг индивидуал билиш методлари интеграцияси ва дифференцияси натижаси ҳисобланади.

“Ҳозирги даврда ахборот маданияти глобаллашуви ва ахборот хавфсизлиги муаммолари” 3-бобининг биринчи параграфида ҳозирги даврда ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маънавий ахборотлар трансформацияси глобаллашувининг интенсивлашуви, бутун инсониятнинг қадрият мўлжалларини, тақдирини ўзгартириш учун объектив шарт-шароит яратмоқда, субъектив омиллар самарадорлигини оширилаётгани ҳақида фикр юритилади. “Ҳозирги глобаллашув даврида “оммавий маданият” ниқоби остидаги хавф-хатарларнинг кенг тарқалиб бораётганлиги масаласига жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда”¹.

Зеро, глобаллашув жараёнининг ижобий натижаларини оммалаштириш, салбий оқибатларини бартараф қилиш муаммолари ечимини топиш, жаҳон ахборот маданияти илмий ҳамжамияти диққат-эътибори марказига қўйилмоқда. Чунки ахборот маданияти глобаллашуви вужудга келтирган инсоният цивилизацияси натижаларини келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муаммоларини миллий давлатлар кесимида таҳлил қилишни тақозо қилмоқда.

Шунинг учун бу муаммолар ечимини топишга доир амалий чоратadbирлар самарадорлигини ошириш, уларнинг глобал ахборот маконидаги ўрни ва мақомини, ривожланиш истиқболини моделлаштириш ва прогнозлаштиришда “Умумий ахборот назарияси” фанларини (ахборот маданиятининг юксак даражада ташкил топган шакли сифатида) интеграциялаштириш ва дифферециллаштириш учун назарий-методологик аҳамиятга эга бўлиб, 2020 йилни “*Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили*” деб аталиш руҳига мос келади. Зеро:

биринчидан, миллий, минтақавий цивилизациялар интеграциясида демократик, гуманистик ва толерантлик тамойилларига асосан эришилган натижалар глобал ахборот маданияти мақсадлари, идеаллари ва қадриятлари тарзида эътироф этилиши керак;

¹ Мирзиёев Ш.М Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан номоёндалари билан учрашувидаги маъруза // “Маърифат” газетаси. 2016 йил 31 декабрь.

иккинчидан, ахборот маданияти глобаллашувининг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақидаги муқобил фалсафий таълимотлар турли манфаатларга асосланган бўлса ҳам, салбий оқибатларини бартараф қилишда инсон омили родини эътироф этишда яқдиллик кузатилмоқда;

учинчидан, ҳозирги постиндустриал-ахборотлашган жамиятда ахборот маданияти натижаси “оммавий маданият”, унинг асосий субъекти ва объекти бўлган шахсни маргиналлаштириб, тарихий хотира ва меросдан бегоналаштиришни янги босқичга кўтарди;

тўртинчидан, ахборот маданиятининг ҳуқуқий асосларини, маънавий-ахлоқий нормаларини, сиёсий механизмларини, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллари уйғунлигини таъминлаш, глобаллашувнинг салбий оқибатлари профилактикасида муҳим аҳамиятга эга;

бешинчидан, ахборот маданияти глобаллашувининг ижобий натижалари трансформацияси, салбий оқибатлари эскалацияси олдини олиш давлат бошқарувини демократиялаштириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш ва шахнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи бобида ҳар бир давлатнинг миллий барқарор тараққиёт моделларига мос глобал ахборот маданияти маконига интеграциялашув сиёсатида стратегик вазифалар комплексини белгилаши ҳақида сўз кетади. Уларни амалга ошириш тактик усуллари, воситалари, технологик жараённи аниқланиши, умуминсоният ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва маданий муносабатларининг янги ривожланиш тенденциясини белгилаб бериши, глобал ахборот маданияти шаклланиши ва унинг умуминсоният ижтимоий-сиёсий муносабатларини интеграциялаштирувчи ва интернационаллаштирувчи халқаро функцияси турли давлатларда, бу жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаштиришда маҳаллий, миллий ва ҳудудий ривожланишнинг тарихий-ментал хусусиятларига, потенциал имкониятларига дифференциал ёндашиш тамойилини тақозо қилиши очиқ берилган.

Шунингдек, глобал ахборот маданиятига интеграциялашув жараённи ташкиллаштириш ва бошқаришга мутасадди миллий, минтақавий ва халқаро институтлар фаолиятини горизонталь ва вертикаль йўналишларда функционал уйғунлаштириш ҳамда такомиллаштириш, миллий давлатларнинг шу соҳадаги ривожланишини моделлаштириш ва прогнозлаштириш натижалари, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва ижодий ривожлантиришига боғлиқлиги, хусусан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбек модели” ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” тажрибалари миллий ахборот маданияти глобаллашувини моделлаштириш ва прогнозлаштиришга структуравий-функционал ёндашув маъқул йўл эканлигини, Ўзбекистон давлатининг миллий тараққиёти мақсад ва манфаатларига мос стратегик вазифаларини глобал ахборот маданиятига интеграциялашув ва глобаллашуви халқаро талабларига мувофиқлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш механизмларини яратиш, ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлиб қолганлиги асосланган.

